

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

## **АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

2021

Азиз Исмаилов

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлим бошлиғи в.б.

# **Ахборот ҳавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланиш босқичлари**

Ахборот ҳавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланиш босқичларини шартли равища учга бўлиб кўриб чиқиш мумкин:

- ▶ 1991-2000 йиллар. Мазкур даврда ҳавфсизлик масалаларининг умумий асослари белгилаб берилди. Мазкур асослар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (эски таҳрири) “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунларда ўз аксини топди.
- ▶ 2000-2007 йиллар. Ушбу давр мобайнида давлатимизнинг Интернет ҳамжамиятига интеграллашуви билан боғлиқ тарзда, қонунчиликда ахборот ҳавфсизлиги соҳасини тартибга солиш, асосий йўналишларини белгилаб бериш билан боғлиқ алоҳида нормалар ишлаб чиқилди. Мазкур туб ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунларда ўз аксини топди.
- ▶ 2007-ҳозирги давр. Бу давр ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида белгилаб берилган асосий йўналишларда, ахборот технологиялари ва коммуникациялари муҳитини янада ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда тегишли чора тадбирларни амалга оширилиши билан характерлидир. Мазкур даврда далатимиз ҳукуматининг ўндан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинган бўлиб, улар юқорида қайд этилган қонун нормаларини руёбга чиқаришга қаратилди ҳамда соҳанинг кейинги ривожи билан боғлиқ чора-тадбирларни, маълумотларни криптографик химояси билан боғлиқ талабларни, корхона ва ташкилотларда ахборот ҳавфсизлигига бўлган талабларни, электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб берди

# Ахборот хавфсизлиги тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг  
«Ахборотлаштириш тўғрисида» 11 декабрь 2003 йилдаги 560-П-сон  
қонуни

19-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» 12 декабрь 2002 йилда 439-П-сонли қонуни

- **ахборот борасидаги хавфсизлик — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати**

**Ўзбекистон Республикасининг  
«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» 2 июль 2019 йилдаги  
547-сон қонуни**

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган ишлов бериш воситаларидан, шу жумладан ахборот технологияларидан қатъи назар юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади

27<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартлари

Мулқдор ва (ёки) оператор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган техник воситаларда ҳамда белгиланган тартибда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сакланишини таъминлаши шарт.

## **МАЪМУРИЙ КОДЕКС**

### **46<sup>2</sup>-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равища йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## **ЖИНОЯТ КОДЕКСИ**

### **141<sup>2</sup>-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равища йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

# Конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий асослари

- ▶ Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган)да **конфиденциал ахборот** - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиши чекланган, давлат сирларига мансуб ахборот мавжуд бўлмаган ҳужжатлаштирилган ахборот.
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.11.2011 йилдаги 296-сон қарори 2-иловасига мувофиқ **Конфиденциал маълумотлар руйҳати** келтирилган.

# Ахборот технологиялари соҳасида маъмурий жавобгарлик

## •Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

### 155-модда. Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

- Ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда ифодаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш —

*фуқароларга энг кам иши ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

- Ахборот тизимларининг ишини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-хисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик —

*фуқароларга энг кам иши ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

### 155<sup>1</sup>-модда. Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

- Компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, —

*фуқароларга энг кам иши ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

# **Ахборот технологиялари соҳасида жинойи жавобгарлик**

- ▶ **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси**
- ▶ **«ХХ<sup>1</sup> боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар**
- ▶ **278<sup>1</sup> -модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш**
- ▶ **278<sup>2</sup> -модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш**
- ▶ **278<sup>3</sup> -модда. Компьютер тизимидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш**
- ▶ **278<sup>4</sup> -модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш**
- ▶ **278<sup>5</sup> -модда. Компьютер саботажи**
- ▶ **278<sup>6</sup> -модда. Заарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш**
- ▶ **278<sup>7</sup>-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш**

# Эътиборингиз учун раҳмат!

**Веб-сайт:** «[www.mitc.uz](http://www.mitc.uz)»

**E-mail:** «a.ismailov@mitc.uz»

**Тел:** (+998-55) 501 37 13